

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 004.41

КУЧКОРОВ ТЕМУРБЕК АТАХОНОВИЧ

**Дори воситаларини бошқариш ахборот тизиминининг алгоритми ва
дастурий воситасини ишлаб чиқиш**

5A330907 – Амалий информатика

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

т.ф.д, проф

Назирова Ш.

Тошкент - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИКЛАРИ МАВЖУД АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	7
1.1. Ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларни яратишнинг қонуний асослари.....	7
1.2. Соғлиқни Сақлаш Вазирликлари мавжуд ахборот тизимларининг таҳлили.....	17
1.3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш методлари ва маълумотлар базасини яратиш моделларини ўрганиш.....	19
1-боб юзасидан хулосалар	28
2-БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДАГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР.....	29
2.1. Visual C# дастурлаш тили ва ASP.NET технологияси.....	29
2.2. Microsoft SQL Server Express 2008 муҳитида ишлаш.....	46
2.3. Microsoft SharePoint Server 2010 веб-платформаси.....	51
2-боб юзасидан хулосалар.....	56
3-БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ АЛГОРИТМИ ВА ДАСТУРИЙ ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	57
3.1. Дори воситаларини бошқариш ахборот тизимининг алгоритми ва архитектураси.....	57
3.3. Фойдаланувчи ва администраторлар учун дастурий воситадан фойдаланиш йўриқномаси.....	60
3-боб юзасидан хулосалар	67
ХУЛОСА.....	68
Фойдаланилган адабиётлар.....	69
ИЛОВА.....	73

КИРИШ

Республикамиздаги барча соҳаларда илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ривожлантириш мақсадида жуда кўп салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан бу соҳаларнинг барча йўналишларига ахборот технологияларини тадбиқ қилиш ҳам ҳозирги куннинг талаби ва муаммосидир. Президентимиз такидлаганларидек, “XXI –аср ахборот асри” дир. Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов 2011 йил 11 январда тармоқлараро мувофиқлаштириш кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида, “миллий ахборот тизимини шакллантириш, интернет тизими ва бошқа глобал ахборот тизимларига ва технологияларига, мамлакат салоҳиятини XXI асрда ўсишини таъминловчи омил сифатида қараш лозим”лигини айтиб ўтдилар. Бундан шуни такидлаш лозимки, давлатимиздаги барча соҳаларда ахборот технологияларини қўллаш, самарали ва қулай бўлган кенг қамровли ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш сезиларли даражада мамлакат ижтимоий ҳаёти ва иқтисоди учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 21 – март куни “Замонавий ахборот – коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори имзоланган. Бунга асосан ахборот – коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий босқичи ҳисобланаётган ахборот тизимларини жорий этиш билан биргаликда, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ чора – тадбирлар белгилаб олинди. Демак бундан кўриниб турибдики, барча соҳаларда жумладан, Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам автоматлаштирилган ахборот тизимларини қўллаш бу тизимни самарали бошқариш учун сезиларли даражада ёрдам беради. Масалан, поликлиника ёки шифохонага келган касалларни рўйхатдан ўтказиш тизими, шифокорларнинг беморларга

ташхис қўйиш тизими, ҳар бир соҳага мос ҳисоботларни тайёрлаш ва шунга ўхшаш бир нечта ахборот тизимларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин бўлади.

Шу ўринда Соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлган дори воситаларини бошқариш тизими ҳам бу соҳанинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда ҳар йили давлатимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган, чет эл ва МДХ давлатларидан кириб келаётган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни барча тиббиёт муассасаларида тақсимланишини бошқариш асосий муаммо бўлиб ҳисобланади.

Бунда ахборот тизимини яратиш методлари ва усуллари тизим вазифаоари ва кўламига қараб танланади ва зарур бўлган ҳолда янги методлар ишлаб чиқилади.

Мен ҳам ўзимнинг “Дори воситаларини бошқариш автоматлаштирилган тизими методи ва алгоритмини ишлаб чиқиш” мавзуидаги илмий ишимда, олган билимларим ва шу соҳада олиб борган изланишларим асосида мавзуни ёритишга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, бу изланишларим яқин келажакда ўзининг меvasини беради ва Соғлиқни сақлаш ахборот тизимини янада ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ишнинг долзарблиги: Ҳозирги кунда барча соҳаларда жумладан Соғлиқни сақлаш тизимида ахборот тизимларини ташкил қилиш, тизимнинг барча йўналишларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш учун сезиларли даражада эҳтиёж туғилмоқда. Шу мақсадда айтиш мумкинки, илмий иш бўйича яратилган дастурий восита Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ахборот тизимини янада кенгайтириш ва дори воситаларини самарали ва қулай бошқариш учун хизмат қилади.

Илмий ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган ва республикамызда ишлаб чиқарилаётган барча дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг барча тиббиёт муассасалари

бўйлаб тарқалишини назорат қилиш ахборот тизимини яратиш методини ишлаб чиқиш ва дастурий восита яратиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ҳозирги кунга қадар бутун дунёда қолаверса, республикамизда ҳам ахборот тизимларини яратиш методлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган ва буларга мос ахборот тизими ва бу тизимни бошқарувчи дастурий воситалар яратилган. Буларнинг натижаси сифатида шуни айтишим лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги корпоратив портали ва корпоратив почта тизими яратилган бўлиб, булар ахборот тизимида электрон хужжат алмашиш жараёнида асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бундан ташқари тизимни янада кенгайтириш мақсадида, Саломатлик-2 лойиҳаси бўйича “Юқумли касалликларни электрон мониторингини олиб бориш” ахборот тизими яратилган, ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт портали *med.uz* ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги расмий сайти *minzdrav.uz* яратилган. Ҳозирча дори воситаларини бошқариш бўйича ахборот тизими яратилмаган бўлиб, мазкур илмий ишим бу тизимни яратиш учун бағишланади ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ахборот тизимини янада кенгайтириш учун хизмат қилади.

Илмий ишнинг вазифалари:

- Ахборот тизимларини яратиш методлари ва алгоритмларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд ахборот тизимлари билан танишиб чиқиш;
- Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тизими алгоритми ва маълумотлар базасини яратиш;
- Дори воситаларини барча тиббиёт муассасалари бўйлаб тарқалишини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш;
- Мазкур тизимни бошқариш учун дастурий восита ишлаб чиқиш;

Ишнинг амалий аҳамияти: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Фармакопея қўмитасида дори воситаларини рўйхатдан

ўтказиш ва уларни барча тиббиёт муассасалари бўйлаб тақсимлашни бошқариш, қолаверса қолган барча тиббиёт муассасаларида дори воситалари бўйича турли кўринишдаги ҳисоботларни тез ва сифатли тайёрлаш учун махсус, хавфсиз ахборот тизимидан фойдаланишни таъминлайди.

Тадқиқот объекти: Фармакопея қўмитаси ва бошқа тиббиёт муассасаларида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва назорат қилиш тизими.

Тадқиқот предмети: Соғлиқни Сақлаш тизимидаги барча тиббиёт муассасалари, жумладан Фармакопея қўмитаси, дори воситалари билан ишлайдиган тиббиёт муассасалари, аптекаларда дори воситаларини бошқаришни ва ҳисоботлар тизимини автоматлаштириш.

Тадқиқот методлари: модели ёндашиш, кузатиш, синфларга ажратиш, индукция, дедукция, таҳлил қилиш, солиштириш, веб технологияларини ўрганиш, компьютер ва ахборот технологиялари назарияси бўйича хориж ва республикамизда нашр қилинган педагогика, статистика, социология, информатика соҳасидаги адабиётлар, интернет сайтлари ҳамда бу соҳадаги мавжуд тажрибаларнинг таҳлили, сўров саволлари, суҳбат, маълумотларга ишлов беришнинг математик статистик методларидан фойдаланиш.

1-БОБ. Соғлиқни сақлаш вазирликлари мавжуд ахборот тизимларининг таҳлили

1.1. Ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларни яратишнинг қонуний асослари

Ҳозирги кунда ахборот тушунчаси жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлиб, унинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Ахборот жамиятимизнинг ҳар бир жабхаси (иқтисод, бошқарув, таълим, санъат ва ҳ.к.) да муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ривожланиши ва таҳлилида муҳим роль ўйнайди. Вақт ўтиши билан ҳар бир соҳада ахборот ҳажми кўпайиб, жуда катта ахборот оқимини вужудга келтиради. Ушбу ахборот оқимини бошқариш, яъни уни сақлаш, қайта ишлаш, қидириш, таҳлил қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бугуннинг муаммоли масалаларидан бири бўлиб турибди. Бу каби ахборотларнинг бошқарувини ташкил этиш ва тартибга солишда АТларининг ўрни катта.

АТи тушунчасига бир сўз билан таъриф бериш қийин, унга кенг ва тор маънода ёндашиш мумкин.

Кенг маънода олиб қаралганда АТи – бу *ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари*^[1].

Бунда АТи шу тизимга тегишли бўлган бирор турдаги ахборотнинг тўлиқ яшаш циклини ўз ичига олади яъни ахборотнинг яратилишидан бошлаб унинг фойдаланишдан чиқарилишигача бўлган барча жараёнларни ва шу жараёнларда қўлланиладиган барча техник-дастурий воситалар ҳамда инсон омилини қамраб олади. Кенг маънода қаралганда АТига кўплаб компонентлар қўшилиши мумкин. Масалан, бирор ишлаб чиқариш корхонасининг АТини олиб қаралса, бу АТига фақатгина корхона ичидаги ҳужжат айланиш ёки корхонанинг молиявий таҳлили эмас балки ишлаб чиқариш дастгоҳларидан келаётган ахборотлар, уларнинг ҳолатини

бошқариш, ахборот жўнатиш ёки қабул қилиш қайси алоқа каналлари орқали амалга оширилиши мумкинлиги ва ҳ.к. лар киради.

АТга умумий таърифлардан бирини М.Р. Когаловский қуйидагича берган: *“Бир бутун тизимни ташкил қилувчи, ҳисоблаш ва коммуникация ускуналари, дастурий, лингвистик воситалар ва ахборот ресурслари шу билан биргаликда шахс омили ва жамиятнинг бирор соҳасидаги динамик ахборотлар моделини қўллаб қувватлашни таъминловчиларни ўз ичига олиб, фойдаланувчининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришидир”*.

Тор маънода АТни кенг маънодаги АТнинг қисм компоненти бўлиб, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими ва махсус амалий дастурни ўз ичига олади. Бунда АТ маълум бир автоматлаштирилган фаолиятда, фойдаланувчининг сўровига кўра ахборотни тақдим этиш, ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш инкониини берувчи аппарат-дастурий воситалар тизимидир.

АТнинг функционал вазифаси *ахборот ресурслари* устида *ахборот жараёнларини* бажаришдир.

Ахборот жараёни – ахборотни яратиш, йиғиш, ишлов бериш, тўплаш, сақлаш, излаш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнлари.

Ахборот ресурси – АТ таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси^[1].

Ахборот тизимлари бир неча турдаги ресурслардан фойдаланади – буларкоммуникация ва ҳисоблаш техникаси воситалари, тизимли ва амалий дастурий таъминотлар, ахборот, лингвистик ва шахс ресурсларидир. АТлари турли хил аппарат платформалари асосида шаклланади, булар компьютерлар, мейнфреймлар, терминаллар, суперкомпьютерлар ва бошқа ҳисоблаш тизимлари. Бу ускуналар ёрдамида локал тармоқдан тортиб глобал тармоқларгача АТ хизмат кўрсатади. АТларида *коммуникация воситаларининг* ҳам ўрни катта, яъни АТ компонентлари ўртасидаги алоқани таъминлаб беради. Коммуникация ресурсларига симли ва симсиз алоқа каналлари, тармоқ қурилмалари киради.

Тизимли дастурий таъминот аппарат платформаларида қўлланиладиган операцион тизимлар, тизимни тестлаш дастурлари, дастурлаш тизимлари, тизим администратори фойдаланадиган махсус дастурлар ва тармоқ дастурларини ўз ичига олади. *Амалий дастурий таъминот* эса АТ фойдаланувчиларининг умумий ёки махсус ахборот жараёнини бажариш учун қўлланилади.

Лингвистик ресурслар АТларида ташқи ахборот ресурсларини уларнинг хоссаларини тизим тушунадиган кўринишга ўтказиш ва АТ ва фойдаланувчи орасидаги алоқани таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Ахборот ресурслари АТнинг асосий компоненти ҳисобланади, улар тизим фаолиятида “хом ашё” ва “маҳсулот” ҳисобланади. Ахборот ресурсларининг аниқ тоифалари АТга боғлиқ бўлади. Шунини айтиб ўтиш керакки ҳар қандай АТда икки турдаги ахборот ресурси мавжуд – булар фойдаланувчилар учун тақдим этиладиган махсулий ресурс ва метаресурс. Фойдаланувчиларга тақдим этиладиган ахборот ресурсларини маълумот деб олишимиз мумкин, бу ҳолда метаресурс метамаълумот яъни маълумот ҳақидаги маълумот бўлади. Метамаълумотлар АТнинг аниқ ишлаши учун зарур ҳисобланади.

АТ фойдаланувчиларини ҳам бир нечта турга бўлиш мумкин, АТдаги махсулий ахборот ресурсларини қабул қилувчилар, четки фойдаланувчилар ҳисобланади. Бундан ташқари АТда махсус вазифаларни бажарувчи дастурий воситалар ҳам фойдаланувчи ҳисобланади.

XX асрнинг 60 йилларида АТлари жуда кам миқёсида фойдаланилган ва уларнинг вазифалари жуда содда бўлган: сўровларни қайта ишлаш, ёзувларни сақлаш ва бошқа маълумотларни электрон қайта ишлаш. Бундай тизимлардан махсус ўргатилган ва махсус билимларга эга бўлган фойдаланувчиларгина фойдалана олишган. Кейинчалик, бошқарилувчи АТлари концепцияси яратилди ва йиғилган маълумотларга кўра ҳисоботларни олиш имконияти пайдо бўлди.

70 - йилларда қарор қабул қилиш тизимлари концепцияси яратилди ва бу фойдаланувчиларга тез ўзгарувчи жараёнларда қарор қабул қилишга ёрдам берди.

80 - йилларга келиб ЭХМ ларнинг имконияти ошиши, дастурий воситаларнинг ишлаб чиқарилиши ва коммуникация воситаларининг ўсиши четки фойдаланувчиларнинг яратилига олиб келди. Шу вақтдан бошлаб четки фойдаланувчилар ҳисоблаш ресурсларидан мустақил фойдалана бошлашди. Кейинчалик АТларига сунъий тафаккур, экспорт тизимлари, маълумотлар ва билимлари омборининг қўлланилиши АТларининг ўрнини ўзгартириб юборди ва инсон фаолиятининг барча жабхаларида қўлланила бошланди.

АТларини турли хусусиятларига қараб турлича классификацияларга ажратиш мумкин:

АТ ларнинг архитектураси бўйича классификацияси

- *Локал АТлари*, бунда АТларининг барча компонентлари битта компьютерда жойлашган бўлади;
- *Тақсимланган АТлари*, тизим компонентлари бир нечта компьютерларга тақсимланади.

Тақсимланган АТлари ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

- *Файл-сервер* архитектурасидаги АТлари, тизим маълумотлар омбори файл серверларда жойлашган бўлади;
- *Клиент-сервер* архитектурасидаги АТлари, тизими маълумотлар омбори ва маълумотлар омборини бошқариш тизими серверда жойлашади. Икки турдаги АТларида ҳам фойдаланувчи дастури клиент қисмида жойлашган бўлади.

Клиент сервер архитектурали ахборот тизимлари икки бўғинли ва кўп бўғинли бўлиши мумкин. Икки бўғинли АТларида фойдаланувчи дастури серверда жойлашган маълумотлар омборига тўғридан-тўғри боғланади. Кўп бўғинли тизимларда орада бошқа бўғинлар ҳам мавжуд бўлади, масалан Web

дастурларда фойдаланувчи маълумотлар омборига Web сервер орқали мурожаат қилади.

АТ ларнинг автоматлаштирилган даражаси бўйича классификацияси

- *Автоматлаштирилган* АТлари тўлиқ автоматлаштирилмаган бўлиб, инсон омили таъсирида ишлайди;
- *Автоматик* АТлари инсон омили таъсирисиз хизмат кўрсата олади.

Автоматлаштирилмаган АТлари юқорида келтирилган таърифларга кўра мавжуд бўла олмайди, чунки АТлари дастурий-техник воситалар ёрдамида ишлаганлиги сабабли қисман бўлса ҳам автоматлаштирилади.

АТ ларнинг маълумотларни қайта ишлаш характери бўйича классификацияси

- Қидирув АТлари, маълумотларни қидирувчи ва қулай кўринишда тақдим этувчи тизим бўлиб, бундай тизимлар мураккаб ҳисоблашларни амалга оширмайди.
- Маълумотларни қайта ишловчи АТлари мураккаб алгоритмлар ёрдамида маълумотларни қайта ишловчи тизим бўлиб, бундай тизимларга автоматлаштирилган бошқариш тизимлари ва қарор қабул қилиш тизимлари мисол бўла олади.

АТ ларнинг қўлланилиш соҳаси бўйича классификацияси

АТлари ҳар-хил турдаги соҳаларда ахборот эҳтиёжини қондириш учун яратилади, бу эса АТларнинг ҳар-бир соҳа учун алоҳида турда яратилишига олиб, шунинг учун уларни қўлланилиш соҳаси бўйича классификациялаш анча мураккаб, мисол тариқасида қуйидаги турларни келтириш мумкин.

- Иқтисодий АТлар;
- Тиббий АТлар;
- Географик АТлар ва бошқалар.

АТларнинг фаолият кўрсатиш кўлами бўйича классификацияси

- Шахсий АТлари бир кишига зихмат кўрсатувчи тизим;
- Гуруҳли АТлари бир гуруҳ масалаларини ечиш учун фойдаланилади;

- Корпоратив АТлари корхона ёки ташкилотнинг барча бўлимларига хизмат кўрсатади.

Ахборот тизимларини яратиш

Ахборот тизимларини яратиш фойдаланувчиларга тўғридан тўғри реал объектлар билан ишламасдан, балки ўз ишчи ўринларида туриб АТлар ёрдамида, реал объект модели билан ишлаб, керакли ахборотларни олиш имкониятини беради. Бошқарувда бу каби модели ёндашув қўлланилаётган соҳадаги реал объектлар таҳлили ва уларни баҳолашни сифатли бўлишини таъминлайди.

АТларни яратиш жараёни маълум тамойиллар асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунда яратилаётган АТларнинг турига қараб кўплаб тамойиллар яратилмоқда, лекин буларнинг асосийлари қуйидагилар: тизимлилик, ривожланиш, мослик, стандартлаштириш ва самарадорлик.

Тизимлилик тамойили. Бу тамойил шундан иборатки тизимнинг барча ташкил этувчиларини алоҳида компонент сифатида таҳлил қилади ва бир вақтда уларни бир бутун тизим кўринишида йиғиб функционал вазифалари ҳамда улар орасидаги боғланишни аниқлайди. Тизимнинг ҳар бир компоненти алоҳида бўлиб яратилмайди, улар бошқа компонентлар билан боғлиқ ҳолатда яратилиши лозим.

Ривожланиш тамойили. Вақт ўтиши билан янги технология ва усуллар яратилиши АТдаги мавжуд технология ва усулларни эскиришига ва янгиларини тизимга жорий этиш лозим, лекин бу алмаштириш тизимнинг функционал вазифасига ҳалал бермасдан амалга оширилиши лозим, бунга фақатгина тизим яратилиш вақтидан, бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда эришиш мумкин. Бундай ўзгаришларга янги технологияларнинг, қонунларнинг яратилиши, ташкилотнинг функционал вазифалари ортиши ёки ўзгариши сабаб бўлиши мумкин.

Мослик тамойили. АТ яратилиши жараёнида шундай интерфейсларни яратиш лозимки, булар бошқа тизимлар билан алоқани таъминлаб бериши лозим.

Стандартлаштириш тамойили. Тизим яратилиш жараёнида барча маълум бўлган, стандартлаштирилган элементлар, компонентлар, лойихалар ва амалий дастур пакетларидан фойдаланиш керак. Ҳозирда АТларни яратиш бўйича кўплаб стандартлар ишлаб чиқилган, ушбу стандартлар асосида АТларни яратиш вақт ва маблағнинг тежалишига ҳамда сифатли тизимни яратишга ёрдам беради.

Самарадорлик тамойили. Ушбу тамойилда тизимни яратишга сарфланган маблағ ва вақт уни ишга тушириб олинadиган фойдага мослигини аниқлайди.

АТларни тўлиқ яратиш жараёнидан тортиб фойдаланишдан чиққунигача бўлган давр АТнинг яшаш цикли дейилади. АТни яратиш жараёни бир неча босқичлардан иборат бўлади. Ҳар бир босқич чегараланган вақтда, аниқ бир маҳсулий натижа (модел, ҳужжат, дастурий таъминот ва бошқалар) ни бериш билан якунланади. АТларни яратиш, унинг мақсадини аниқлаш билан бошланади, мақсад эса ўз навбатида тизим ишга тушгандан кейин қандай вазифаларни бажариши кераклиги билан аниқланади.

АТларни яратиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Тизимга қўйилган талабларни аниқлаш;
- Лойихалаштириш;
- АТнинг дастурий таъминотини яратиш;
- Тестлаш;
- Тизимни ишга тушириш;
- Кузатиш.

Дастлабки босқичда яратилаётган тизимга қўйилган талаблар аниқланади. Бу жараёнда фойдаланувчилар, маъмурий-ҳукукий ҳужжатлар ва стандартлардаги талаблар ўрганиб чиқилади ҳамда мавжуд АТлари таҳлил қилинади. Бу жараёнлар АТнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беради. Бу босқич анча мураккаб ва маъсулиятли босқич ҳисобланиб, бу босқичда йўл қўйилган хатолар кейинчалик тузатилиши қийин бўлган вазиятларга олиб келади. Тизимга қўйилган талаблар асосида АТ

архитектурасининг модели яратилади. АТ архитектураси ёрдамида ахборот, дастурий ва техник таъминотида қўйилган талаблар яратилади.

Лойихалаштириш босқичида дастлаб ахборот модели яратилади. Ахборотларнинг мантикий ва физик модели қурилади ва бу асосида маълумотлар омбори структураси яратилади. Бундан ташқари ахборотлар устида бажариладиган жараёнлар модели тузилади ва дастурий восита интерфейси яратилади. Лойихалаштириш босқичи техник лойиха яратиш билан якунланади.

Дастурий таъминотни яратиш босқичида ишлаб чиқилган талаб ва лойихалар асосида дастурий таъминот, йўриқномалар шакллантирилади ҳамда техник воситаларга тестлаш учун ўрнатилади. Тестлаш босқичида тизимнинг турли модуллари натижаларни тўғри беришига ва ташқи омилларга бардошлилигига текширилади.

Тестлардан ўтгандан сўнг АТ тўлиқ ишга туширилади ва кузатиб борилади. АТ ишлаш жараёнида хатолар юзага келса уни тўғирлаш чоратадбирлари қўрилади. Ушбу босқичларнинг барчаси биргаликда АТнинг ҳаётий циклини ташкил қилади. АТнинг ҳаётий циклининг бир неча хил моделлари мавжуд:

- **Оралик назоратли каскадли модел.** АТни яратиш босқичма босқич амалга оширилади ва бирор босқичда хатолик юзага келса ва бу олдинги босқичлар асосида шаклланган бўлса ўша босқичга қайтилади ҳамда кейинги босқичларга ўтиш давом этади. Бу моделда ҳар бир босқичнинг яратилиш даври АТни яратиш давригача чўзилиши мумкин. Ушбу моделнинг қулай томони шундан иборатки, ҳар бир босқичдан сўнг тайёр махсулот олинади: техник лойиха, дастурий таъминот ва ҳар хил турдаги хужжатлар. Бундан ташқари ҳар бир босқичдан сўнг қолган ишнинг аниқ тайёр бўлиш муддатларини айтиш мумкин бўлади.
- **Прототип модели.** Бу моделда АТни яратиш жараёни барча босқичлардан кетма-кет ўтади. Ўзгариш ёки хатоликлар юзага

келганда яна дастлабки босқичга қайтилади ҳамда босқичлар тўлиқ такрорланади ва янги талаб, лойиха, модуллар асосида прототип яратилади. Бу моделнинг яхши томони эса қисқа вақт ичида фойдаланувчиларга фойдаланишга яроқли маҳсулот чиқариб беришдан иборат, бир босқич тўлиқ якунланмасдан кейинги босқичга ўтиб кетиш мумкин бўлади.

АТларини яратиш ва унинг ҳаётий циклини шакллантириш маълум бир стандартлар асосида ташкил қилинади. АТлари қайси соҳага яратилаётганлигига қараб маълум бир талабларга жавоб бериши лозим, ушбу талаблар стандартларда келтирилган бўлади. Ҳозирги кунда АТларини яратиш ва унга қўйилган талаблар бўйича бир қанча давлат ва халқаро стандартлар мавжуд. Миллий АТларини яратиш, уларни иқтисодиёт соҳалари ва жамиятимизнинг барча жабхаларида жорий этиш ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида 30.05.2002 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3080 сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” фармони чиқарилди. Ушбу фармон асосида 06.06.2002 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 200 сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш чоралари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” қарори чиқарилди, ушбу қарорда 2002-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу норматив ҳужжатлар асосида кўплаб ишлар қилинди ва ахборот технологиялари барча соҳаларда қўлланила бошланди, коммуникация тармоқлари яратилди, бу эса АТларини яратиш ва жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” ги 256 қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда давлат органларида АТларни яратишнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Бу

қонун бошқа корхона ва ташкилотлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқорида келтирилган норматив ҳужжатлардан ташқари АТларни яратиш бўйича бир қанча халқаро стандартлар мавжуд:

- **ГОСТ 34.601-90.** Стандартда автоматлаштирилган АТ яратиш босқичларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш ёритилган бўлиб, бунда ҳар бир босқичда қилинадиган ишлар ёритилган. Ушбу стандартда АТларининг ҳаёт циклини каскадли модел асосида яратиш бўйича тавфсиялар келтирилган.
- **ISO/IEC 12207:1995.** АТлари ҳаётий цикли жараёнлари ва уларни ташкил қилиш стандарти. Ушбу стандартда барча турдаги дастурий маҳсулотларни яратиш бўйича қилинадиган ишлар келтирилган.
- **Rational Unified Process (RUP).** Ушбу стандартда АТларни яратишнинг итерацияли модели тавфсия этилган бўлиб, бунда ҳар бир итерация тўрт босқичдан иборат бўлади: бошланғич, тадқиқот, яратиш ва ишга тушириш. Ҳар бир босқич бир нечта бўлимларга бўлинади. Барча босқичлардан ўтгандан сўнг битта итерация тугайди ва тизим ишга тушади. Агар бундан кейин ҳам тизим яратилиши давом этса кейинги итерацияга ўтади, унда ҳам олдинги итерация каби барча босқичлардаги ишлар бажарилади ва тизимнинг янги версияси яратилади.

Microsoft Solution Framework (MSF). Бу стандарт ҳам RUP стандарти каби итерацияли моделдан фойдаланади ва ҳар бир итерация тўртта босқичдан иборат: таҳлил, лойихани яратиш, лойихани амалга ошириш, барқарорлаштириш. RUP стандартидан фарқи объектга йўналтирилган моделлаштиришдан фойдаланилган ва кўпроқ бизнес лойиҳалар учун фойдаланилади.

1.2. Соғлиқни Сақлаш Вазирликлари мавжуд ахборот тизимларининг таҳлили

Юқоридаги бобда айтиб ўтилганидек, ҳар қандай соҳани ривожлантириш ва жорий этишдан олдин бир нечта қонуний ва норматив ҳужжатлар яратилади ва шулар асосида иш олиб борилади. Бу борада 2003 йил 11 декабрдаги 560- II-сонли “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган бўлиб, бу қонуннинг асосий мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг барча соҳалардаги ролини этиборга оладиган бўлсак, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ниҳоятта муҳим аҳамият касб этади. Айниқса Соғлиқни Сақлаш Вазирликлари (ССВ) тизими фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимини яратиш мазкур тизим фаолиятини самарали бошқариш имкониятини яратади. Буни амалга ошириш мақсадида, “Электрон Соғлиқни Сақлашни ривожлантириш марказини яратиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 2007 йил 12 январдаги буйруғи чиқарилди. Бу марказнинг асосий мақсади ССВ тизимида ахборот технологияларини киритиш ва тиббиёт ходимларини комп்யютер саводхонлигини оширишдан иборат. Мазкур тизимни ривожлантириш ва бошқаришни амалга ошириш мақсадида ССВ Миллий марказлашган ахборот тизими яратилган. Мазкур ахборот тизимнинг асосий мақсади шундан иборатки, ССВ тизимидаги барча республика даражасидаги (Республика шифохоналари, ДСЭНМ, Республика миллий қон маркази, Саломатлик институти ва х.к лар), вилоят даражасидаги (Вилоят ССВ бошқармалари, шифохоналар, ДСЭНМ ва х.к лар), туман ва шаҳар даражасидаги (туман бошқармалари, туман марказий шифохоналари, ДСЭНМ, Кўп тармоқли поликлиникалар ва х.к лар) ва бирламчи даражадаги қишлоқ врачлик

Бу тизимни самарали бошқариш мақсадида ва электрон хужжат алмашиши жараёнини амалга ошириш баробарида корпоратив почта ва корпоратив портал яратилган.

Бундан ташқари ҳозирги кунда “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича “Юқумли касалликларни бошқариш мониторингини олиб бориш” ахборот тизими (рус тилидаги қисқартмаси ИС ЭМИС) яратилган ва жорий вақтда бу ахборот тизими текширувдан ўтказилмоқда. Баъзи тиббиёт муассасаларида эса бу ахборот тизими ишламоқда. ҚВП ларда дори воситаларини бошқариш дастурий воситаси – Саломатлик -2 лойиҳаси

Бошқа давлатлар ССВ ларига тегишли бўлган ахборот тизимлар

- «UMS Аврора» тиббиёт ахборот тизими
- «CS Polibase»тиббиёт ахборот тизими
- «Medwork»тиббиёт ахборот тизими
- «qMS»тиббиёт ахборот тизими
- «Амулет»тиббиёт ахборот тизими

1.3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш методлари ва маълумотлар базасини яратиш моделларини ўрганиш


Юқорида айтиб ўтганимиздек ахборот тизимларини яратиш фойдаланувчиларга тўғридан тўғри реал объектлар билан ишламасдан, балки ўз ишчи ўринларида туриб АТлар ёрдамида, реал объект модели билан ишлаб, керакли ахборотларни олиш имкониятини беради. Бошқарувда бу каби модели ёндашув қўлланилаётган соҳадаги реал объектлар таҳлили ва уларни баҳолашни сифатли бўлишини таъминлайди.

Маълумотлар ҳажми катта бўлган ташкилотлар учун мураккаб даражадаги ахборот тизими яратилаётган пайтда албатта метод ва методология тушунчасига урғу бермасдан иложимиз йўқ. Яъни метод – бумазкур тизимни яратиш асосини белгилаб берадиган қонуниятлар жамланмаси бўлиб ҳисобланади. Албатта ахборот тизими учун метод танланаш мазкур

яратилаётган тизимнинг хусусиятларидан, мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ахборот тизимини самарали яратиш учун асосан унинг функционал ва информацион модели мос равишда қурилган бўлиши лозим. Ахборот тизимини яратишнинг замонавий методлари қуйидаги учта асосий технологияларга эга бўлиши лозим:

- Объектга – йўналтирилган технология;
- Билимлар асосидаги (интеллектуал) технология;
- CASEтехнология;

Қуйидаги расмда (1.3.1-расм) ахборот тизимини яратиш концепцияси кўрсатилган.



1.3.1-расм. АТни яратишнинг замонавий концепцияси.

Биз биламизки, ҳозирки кунда объектга – йўналтирилган даструлаш технологияси нафақат дастурий восита яратиш учун балки катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлайдиган ахборот тизимларида ҳам ўз самарасини кўрсатади. Мазкур концепция эса Объектга – йўналтирилган технология билан биргаликда Интеллектуал ва CASEтехнологиясини ҳам ўз ичига олади. Ундан ташқари маълумотларни сақлаш баробарида оддий маълумотлар

базаси билан бирга OLAP ва дастурий агентлардан фойдаланилади. Қуйида мазкур концепциянинг ҳар бир компонентиға алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Объектга – йўналтирилган технология – бу технология қаралаётган тизимни турли хил хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда яратиш ва ишлаб чиқиш жиҳатидан алоҳида – алоҳида синфларға ажратиб, натижавий жиҳатдан эса яхлитликка эришиш учун хизмат қиладиган технологиядир.

Билимлар асосидаги (интеллектуал) технология – интеллектуал тизим асосидаги билимларға эга бўлган ҳолда тизимни таҳлил қилиш ва керак бўлган ҳолда автоматик равишда қарор қабул қилиш учун асос бўладиган технологиядир.

Маълумотларни сақлаш (рус тилида, *хранилище данных* инг. тилида *data warehouse*)–бунда маълумотлар базасида маълумотлар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича сақланади:

- Маълумотлар аниқланган соҳаларда жойлашади (*предметно-ориентированные*);
- Маълумотлар бирлаштирилган (*интегрированные*) – бунда маълумотлар турли хил кўрсаткичлар ёрдамида бир – бирига бирлаштирилади ва яхлит МБ ҳосил бўлади;
- Доимий ва бузулмас;
- Маълумотлар йиғишни қўллаш;
- Бошқариш учун қулай яъни деталлаштирилган;

On-line Analytical Processing (OLAP) – бу тизимни қандайлигига қараб МБ да мавжуд маълумотларни оператив – аналитик қайта ишлаш имконини беради. Бу ҳолда қайта ишлаш турлича бўлиши мумкин, яъни тизимга қараб қайта ишлаш структураси ҳам ҳзгаради. Мисол учун автоматлаштирилган тизимларда маълумотларни таҳлил қилиш мураккаб сатҳларда амалга оширилади. Шунинг учун бу жараёнда асосан маълумотлар сақланиши релацион кўринишга (структурага) эга бўлиши мумкин. Бунда релацион оператив – аналитик қайта ишлаш (ROLAP)вужудга келади. Бундан ташқари қуйидаги тушунчага ҳам урғу бериш лозим.

On-line Transaction Processing (OLTP)– операцион ҳолда транзакцияларни қайта ишлаш тизими ҳисобланиб, бунда транзакция оператив қайта ишлаш бўлиб, мисол сифатида маълумот кириши, чиқиши ва ҳ.к ларни айтиш мумкин.

CASEтехнологияси.

Автоматлаштириш ахборот тизимларини (ААТ) лойиҳалаштириш ва яратишда ишлатиладиган самарали технологиялардан бири бу – CASE(Computer — Aided Soft Wore/System Engineering) технологиясидир.CASE технологияси – бу тизимни максимал автоматлаштириш имконини берадиган технология ҳисобланиб, ААТ таҳлил қилиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва кузатиш методлари бирлашмасидир (1.3.2-расм).



1.3.2 – расм.CASEтехнологияси.

CASE технологияси асосида қурилган дастурий восита ҳам мавжуд бўлиб, мазкур дастур интерфейси ёрдамида АТ лар лойиҳалаштирилади ва

ишлаб чиқилади, зарур бўлган ҳолларда АТ ларни баҳолашни ҳам амалга ошириш мумкин.

Ахборот тизимларини яратиш методлари:

- "от задачи" методи
- "интеграции" методи
- “снизу – вверх” методи
- “сверху – вниз” методи
- “дуализм” принципи ва кўп компонентлилик

Мазкур методлар ахборот тизими кўламига қараб яъни тизимни ташкил қилиш усули, маълумотлар базаси ва тизимни бошқариш имкониятидан келиб чиққан ҳолда танланади.


"от задачи" методи

Ахборот тизимини яратишнинг мазкур методида қаралаётган тизим алоҳида алоҳида масалаларга ажратилади ва улар бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилади. Амалий жиҳатдан қараладиган бўлса мазкур метод ёрдамида яратилган АТ лардан умумий лойиҳавий ечим олиб бўлмайди, бундай ҳолларда бир нечта масалаларни бирлаштириш орқали умумий ечимга эришилади.

Мисол учун бирон бир ишлаб чиқарувчи ташкилот фаолиятини автоматлаштириш учун қилиниши керак бўлган масалаларни кўриб чиқамиз:

- Пул ўтказмаларини рўйхатга олиш;
- Махсулотлар ҳақида маълумотларни сақлаш;
- Ходимлар маошини рўйхатга киритиш;
- Ташкилот асосий воситаларини рўйхатга олиш ва бошқалар.


Энди юқорида кўрсатилган масалаларни ишлаб чиқишда от задачи методини тадбиқ қилиш, уларни алоҳида алоҳида мантиқий кетма – кетликда асосида ёки параллел ҳолда яратиш имконини беради. Қуйидаги 1.3.3-расмда мазкур методнинг мантиқий кўриниши келтирилган.



1.3.3– расм."от задачи" методи структураси.

“интеграции” методи

АТ ларни яратишнинг яна бир энг кўп фойдаланиладиган методларидан бири – бу интеграция методидир. Мазкур метод асосан автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш учун ишлатилиб, бунда тизим бир нечта нимтизимлардан иборат бўлади ва лойиҳани комплекс ташкил қилиш учун имконият яратади. АТ нинг кўламига ва масаланинг қўйилишига қараб нимтизимлар лойиҳалаштирилади ва мазкур нимтизимлар учун умумий яхлит маълумотлар базаси яратилади.



1.3.4– расм."интеграция" методи структураси.

"от задачи" ва "интеграция" методларини солиштириш

"от задачи" методи афзалликлари:

- Методни тадбиқ қилиш осон бўлиб, масалалар бир биридан алоҳида ишлаб чиқилади;
- Тизимга ўзгартириш киритиш мураккаб эмас;
- Масалани ечимини осон кузатиш мумкин;
- Тизимга мос яратилган дастурий воситага ўзгартириш киритиш мураккаб эмас.

"от задачи" методи камчиликлари:

- Маълумотларни сақлашда муаммо юзага келади, ҳар бир масалага тегишли маълумотлар бошқа бошқа жойларда сақланади, уларни бошқариш мураккаблашади ва қўшимча меҳнат талаб қилади;
- Объектни яхлит бошқариш имконияти йўқ.

"интеграция" методи афзалликлари:

- Бошқаришни комплекс ташкил қилиш имконини беради;
- Объектга тегишли маълумотларни битта жойга сақлаш;
- Тизим нимтизимларга ажратилган ҳолда ташкил қилинади.

"интеграция" методи камчиликлари:

- Дастурчидан юқори даражадаги билим ва тажрибани талаб қилади;
- Нимтизимлар қийматини аниқлаб бўлмайди, чунки тизимга тегишли бўлган маълумотлар ҳар хил типда бўлиши мумкин;
- тизимга ўзгартириш киритиш мураккаб амалга оширилади.

Маълумотлар базасини яратиш моделлари:

Ҳар қандай ахборот тизимни самарали ташкил қилиш унинг асоси бўлган маълумотлар базасига сезиларли даражада боғлиқдир. Маълумотлар базаси технологияси тарихи асосан 1960 йилларга бориб тақалиб, шу вақтда биринчи бўлиб маълумотлар базасини бошқариш бўйича дастлабки дастурий воситалар яратила бошлаган. Шу вақтдан бошлаб маълумотлар базасини

ташкил қилишнинг турли йўллари излана бошлади ва бу билан бирга **маълумотлар модели** тушунчаси юзага келди.

Маълумотлар модели – бу маълумотлар тузилмаси ва уларни қайта ишлаш операциялари жамланмасидир. Фанга бу тушунчан 1969 йилда Эдгар Коддом киритган бўлиб, мазкур маълумотлар модели бутун маълумотлар базасини бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.


Маълумотлар базасини бошқариш давомида асосан қуйидаги маълумотлар моделидан фойдаланилади:

- Дарахтсимон (иерархик) маълумотлар модели
- Тармоқ маълумотлар модели
- Реляцион маълумотлар модели
- Физик модел
- Семантик (концептуал, инфологик) модел
- "Сущность – связь"инфологик маълумотлар модели

Дарахтсимон (иерархик) маълумотлар модели—бу маълумотлар базаси элементларининг даратсимон (граф) кўринишидаги жамланмасидан иборат бўлган модел ҳисобланади. Бу моделда асосан тугун, сатҳ ва алоқа асосий элементлар бўлиб ҳисобланади. Тугун (узел) – бу маълумотлар атрибутлари жамланмаси. Мазкур моделда тугунлар худди граф тугунларига ўхшаш бўлиб, маълумотлар элементларини бирлаштириш имконини беради. Шуни айтиш жоизки, мазкур моделда фақат биттагина чўққи бўлади, яъни бу энг юқори сатҳда жойлашган маълумот элементи бўлиб, қолган барча тугунлар бунга қарашли бўлади. Бўйсунувчи тугунлар мос равишда иккинчи, учинчи ва ҳ.к. сатҳларда жойлашади (1.4.4 - расм).

Бундан кўриниб турибдики, дарахтсимон моделнинг камчиликлари қуйидагича:

- Маълумотлар такрорланиши юз беради (мисол учун бир нечта буюртмачи учун бир хил бажарувчи маълумотлари бир нечта марта такрорланиши мумкин);
- Боғланиш асосан 1:Nнисбатда амалга оширилади



1.4.4 - расм. Дарахтсимон (иерархик) маълумотлар модели.

Тармоқ маълумотлар модели—бу модел дарахтсимон моделнинг кенгайтирилган кўриниши бўлиб, бунда маълумотлар базаси элементлари бир бири билан турли сатҳларда боғланиши мумкин бўлади.

Реляцион маълумотлар модели – бу ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган моделлардан бири бўлиб ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга бўлган мантикий моделдир:

- Маълумотлар структураси боғланишлар орқали яратилади;
- Маълумотларни бирлаштириш, боғлаш, ажратиш, ва уларнинг такрорланмаслиги;
- Махсус реляцион операциялар бажара олиш имконияти (танлаш, боғланиш, ўчириш ва ҳ.к. лар);

1-боб юзасидан хулоса

Мазкур боб бўйича хулоса қуйидагилардан иборат:

- Ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг қонуний асослари таҳлил қилинди;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги мавжуд ахборот тизимлари таҳлил қилинди;
- Ахборот тизимларини яратиш методлари ўрганилди ва таҳлил қилинди;
- Ахборот тизимининг асоси бўлган маълумотлар базасини яратиш моделлари ўрганилди;

Тизимга мос ахборотларнинг бошқарувини ташкил этиш ва тартибга солишда АТларининг ўрни катта бўлиб, шу мақсадда ССВ тизимига ҳам юқори даражадаги ахборот тизимларини тадбиқ қилиш мазкур тизимни бошқаришни анча енгиллаштиради.

2-БОВ.Дори воситаларини бошқариш автоматлаштирилган тизимини яратишдаги технологиялар ва дастурий воситалар

2.1. Visual C# дастурлаш тили ва ASP.NET технологияси

Microsoft Visual C# дастурлаш тили бу – объектга йўналтирилган дастурлаш тилларидан бири бўлиб, бошқа дастурлаш тилларига (C, C++) нисбатан оддийроқ, дастурлаш осон бўлган тилдир. Microsoft Visual C# дастурлаш тили асосан C++ тилидан келиб чиққан бўлиб, Microsoft компаниясининг маҳсулоти ҳисобланади. C# дастурлаш тилида лойиҳалар махсус Visual Studio дастури муҳитида яратилади. Бу дастур фойдаланувчи ва дастурчилар учун жуда қулай интерфейсга эга бўлиб, бу дастур ёрдамида C# дастурлаш тилида асосан *Windows иловалар (приложение), Web иловалар (приложение), компияторлар ва отладчиклар* яратилади.


Visual C# Microsoft .NET Framework платформаси асосида ишлайди. Microsoft .NET Framework платформаси махсус класслар кутубхонасига ва умумий ишлаш механизмига эга бўлиб, Visual C#, Visual Basic, Visual C++, Jscript дастурлаш тиллари учун фундамент бўлиб хизмат қилади.

Visual C# дастурлаш юқорида айтиб ўтганимиздек осон ва тушунарли бўлиб унинг ишлаши ҳам тизимли ҳисобланади. Яъни битта дастур **.cs** кенгайтмали бир нечта **файллардан** ва ўз навбатида файллар **namespace** ва **class** лардан иборат бўлади. Бу дегани асосий дастур классларнинг ичида ёзилади, класслар учун **namespace лар** кутубхонага мурожаат қилишда ёрдам беради ва натижада файллар компиляторга қайта ишлаш учун жўнатилади. Visual C# дастурлаш тилининг структураси қуйидагича (2.1.1 – расм).

Мисол учун бирон бир дастур иккита файлдан ташкил топсин. Бунда биринчи **Counter.cs** файлда counter номли класс мажуд бўлиб бу классдаги add() функцияси қўшишни бажаради.

Иккинчи Prog.cs файли асосий фай ҳисобланиб бунда **Counter.cs** файлидаги add() функциясига мурожаат қилинади ва натижа чиқарилади. Бу

дастурнинг коди ва ишлаш принципи қуйидаги расмда кўрсатилган (2.1.2-расм).



2.1.1 – расм. Visual C# дастурлаш тилининг структураси.

Counter.cs

```

class Counter {
    int val = 0;
    public void Add (int x) { val = val + x; }
    public int Val () { return val; }
}
  
```

Prog.cs

```

using System;

class Prog {

    static void Main() {
        Counter c = new Counter();
        c.Add(3); c.Add(5);
        Console.WriteLine("val = " + c.Val());
    }
}
  
```

Compilation

```

csc Counter.cs Prog.cs
=> generates Prog.exe
  
```

Execution

```

Prog
  
```

Working with DLLs

```

csc /target:library Counter.cs
=> generates Counter.dll
  
```

```

csc /reference:Counter.dll Prog.cs
=> generates Prog.exe
  
```

2.1.2-расм. Visual C# муҳитида иккита файлдан ташкил топган дастурнинг ишлаш принципи.

Visual C# муҳитида маълумотлар типлари:

Visual C# муҳитида маълумотлар типлари асосан қуйидаги асосий турларга ажратилади.

1. Қиймат типлари (Value types)

1.1 Оддий типлар (Simple types)

Оддий типноми	Умумий кўриниши	Қабул қиладиган қиймати
bool	System.Boolean	true, false
char	System.Char	Unicode character
sbyte	System.SByte	-128 .. 127
byte	System.Byte	0 .. 255
short	System.Int16	-32768 .. 32767
int	System.Int32	-2147483648 .. 2147483647
uint	System.UInt32	0 .. 4294967295
ushort	System.UInt16	0 .. 65535
ulong	System.UInt64	0 .. 264-1
float	System.Single	$\pm 1.5E-45$.. $\pm 3.4E38$ (32 Bit)
long	System.Int64	-263 .. 263-1
double	System.Double	$\pm 5E-324$.. $\pm 1.7E308$ (64 Bit)
decimal	System.Decimal	$\pm 1E-28$.. $\pm 7.9E28$ (128 Bit)

1.2 Enums

1.3 Структуралар (Structs)

2. Маълумот типлари

1.1 Класслар (Classes)

1.2 Интерфейслар (Interfaces)

1.3 Массивлар (Arrays)

1.4 Вакил ўзгарувчилар (Delegates)


2. Кўрсаткичлар (Pointers)

Асосан C# дастурлаш Java дастурлаш тилига ўхшайди.

ASP.NET технологияси ва унинг имкониятлари.

ASP.NET – бу Active Server Page (Актив сервер саҳифа) сўзларининг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, C# дастурлаш тили асосида қурилган ва Web приложениялар (асосан Web сайтлар) яратиш учун мўлжалланган махсус технологиядир.

ASP.NET технологиясида махсус HTML га ўхшаш теглар мавжуд бўлиб, Web сайт яратиш учун қулай имкониятлар яратади. ASP.NET теглари асосан серверда қайта ишланади. Асосан Web сайтлар қуйидаги *request/response модели* асосида ишлайди (2.1.3-расм).




2.1.3-расм. request/response модели.

Бунда қуйидаги кетма-кетликлар амалга ошади:

1. Клиент (web browser) URL орқали Web server да жойлашган бирон бир сайтга мурожаат қилади (мисол учун www.tuit.uz)
2. Клиентсерверга сўров юборади (мисол учун *index.php*саҳифаси)
3. Сервер сўровга мос жавоб юборади (мисол учун бош ойна маълумотлари)
4. Клиент келган маълумотни *web browser* орқали кўради

Демак ҳар бир сайт ўзининг веб сервери билан алоқада ишлайди. Яъни ҳар бир веб сайтни ёки бирон бир веб лойиҳани веб сервер бошқариб туради.

ASP.NET технологиясида яратилган барча веб лойиҳалар IIS (Internet Information Service) хизмати билан бошқарилади ва уларнинг ўзаро алоқаси қуйидаги расмда кўрсатилган (2.1.4-расм).



2.1.4-расм. IIS хизмати ва ASP.NET ўзаро боғлиқлиги.

ASP.NET технологиясида ишлаш учун шахсий компьютерда қуйидагилар ўрнатилган бўлиши лозим:

- ✓ IIS (Internet Information Service) хизмати
- ✓ .NET Framework SDK

IIS (Internet Information Service) хизматини ўрнатиш

Internet Information Server – Майкрософт компанияси томонидан ишлаб чиқилган Веб сервер ҳисобланади. Асосан Windows ОТ ларнинг турига қараб IIS турлича талқинлари (версиялари) танланади. Мисол учун Windows NT Server лар учун IIS 4.0. талқинидан, Windows 2000 ОТ лар учун IIS 5.0 талқинидан ва Windows XP лар учун эса IIS 5.1. талқинлардан фойдаланилади.

Internet Information Server қуйидагича ўрнатилади.

**Пуск → Панел управления → Установки и удаление программ →
Установка компонентов Windows**

Натижада қуйидаги ойна очилади (2.1.5-расм). Бу расмда кўрсатилганидек Internet Information Service банди белгиланилади ва Далее (Next) тугмаси босилади.




2.1.5-расм. Internet Information Service ни ўрнатиш ойнаси.

.NET Framework SDK дастурини ўрнатиш

Бу дастурни ўрнатиш учун бизда унинг ўрнатиладиган варианты бўлиши лозим, агар ўрнатиладиган варианты бўлмаса www.microsoft.com/Net орқали ушбу дастурнинг керакли талқинини кўчириб олиш мумкин.

Кўчириб олингандан кейин дастур ўрнатилади:



2.1.6-расм. .NET Framework SDK дастур ўрнатилиши бошланиши.



2.1.7-расм..NET Framework SDK дастурини ўрнатиш.

Керакли дастурлар ўрнатилгандан кейин ASP.NET файл яратиш мумкин. Асосан бу файл **c://inetpub/wwwroot/** да жойлашади. ASP.NET файл **.aspx** кенгайтмасига эга бўлади. Мисол учун **mypage.aspx** файли яратилсин.

mypage.aspx файли:

```


1:  <%@ Page Language="C#" %>
2:
3:  <script runat="server">
4:      void Page_Load(Object obj, EventArgs e) {
5:          lblMessage.Text = "Welcome to ASP.NET!";
6:      }
7:  </script>
8:
9:  <html><body>
10:      <asp:Label id="lblMessage" runat="server"/>
11:  </body></html>

```

Бу файлдан кўринадикки, асосий ASP.NET параметрлари `<% ---- %>` белгили тег ичида ёзилади ва ASP.NET теглари HTML тегларига ўхшаш бўлиб, ҳамма теглар олдида `asp:` калит сўзи қўйиш орқали ясалади (**mypage.aspx** файлидаги 10 сатр).

runat="server" параметрига эга бўлган скрипт ичидаги кодлар серверда юкланади ва **<html>** теги ичида ёзилган кодни динамик ҳолатга ўтказди. Яъни юқоридаги файлда шу нарса акс этганки қачонки файл чақирилганда (void Page_Load())**<html>** теги ичида жойлашган **<asp:Label>** майдонига “Welcome to ASP.NET” деган ёзув чиқиши керак.

Демак бу файлни чақириш учун бирон бир броузерни ишга тушурамиз ва манзил киритиладиган майдонга <http://localhost/mypage.aspx> ни киритамиз ва “Enter” тугмасини босамиз. Натижада броузер ойнасида “Welcome to ASP.NET” ёзуви пайдо бўлади (2.1.8-расм).




2.1.8-расм. *mypage.aspx* файлини броузер ёрдамида чақириш.

Visual Studio 2010 дастурида лойиҳалар яратиш.


Visual Studio 2010 дастури – бу Майкрософт компанияси томонидан яратилган махсус дастурий пакетлар мажмуи бўлиб, асосан Windows приложениялар (иловалар, applications), Веб сайтлар, Windows формалар, Веб хизматлар ва ҳакозоларни яратиш учун хизмат қилади. Visual Studio дастури ўрнатилиши жараёнида ўзига керакли бўлган барча компоненталарни ҳам

ўрнатади. Visual Studio 2010 дастури ишчи ойнаси қуйидаги кўринишга эга (2.1.9-расм).




2.1.9-расм. Visual Studio 2010 дастури бошланғич ишчи ойнаси.

Демак Visual Studio 2010 дастурида янги лойиҳа яратиш учун 2.9-расмда кўрсатилганидек “**New Project**” тугмасидан фойдаланилади ёки *Файл (File)* менюсига кирилади ва бу менюдан **New** банди танланиб “**Project**” тугмаси танланади (2.1.10-расм).



2.1.10-расм. *Файл (File)* менюси орқали янги лойиҳа яратиш.


“**New Project**” тугмаси босилгандан кейин қуйидаги ойна пайдо бўлади (2.1.11-расм).



2.1.11-расм. “**New Project**” ойнаси.

Бу ойнанинг чап тарафидаги майдондан яратиладиган лойиҳанинг қайси тилда яратилиши ва категориясини кўрсатамиз (Мисол учун *Visual C#*). Ўртадаги ойнадан эса категорияга мос лойиҳа тури танланади (мисол учун *Windows Forms Application*, яъни **Windows форма лойиҳаси**). Ўнг тараф ойнада танланаётган ҳар бир лойиҳалаш тури бўйича маълумот кўрсатилиб туради. Лойиҳа тури танлангандан кейин мос равишда “**Name**” майдонига лойиҳа номи, “**Location**” лойиҳанинг қаттиқ дискда сақланиш жойи кўрсатилади ва “**OK**” тугмаси босилади.

